



«Усмоннинг шахсияти Буюк Аллохга ва Киёмат кунига иймон келтиргани туфайли, хавас килгулик даражада тахсинга лойикдир. У ўз кучидан ва ҳукм-ронлигидан адолатсизлик, ноҳақлик йўлида эмас, балки эзгулик йўлида давлат фойдасига сарф этди. У Аллох таолонинг мададига лойик бўлган. Шунинг учун уни галаба билан сийлади. Унга Кичик Осиёни бошқаришда ақл-идрок, куч-қувват, кўп сонли аскар ва шон-шухрат ато қилди. Аллохнинг унга бўлган марҳамати чексиз бўлди. Шунинг учун муваффақият эшиги у томон очилиб, олдига қўйган эзгу мақсадларига эришди»

Тарихчи доктпор Али Саллабий, «Усманийлар давлати» китобидан

Ирландияда 1845 йили картошка хосили фитофтороз касалига учраб, хосил олинмай қолади. Ўша пайтларда Ирландияда камбагал аҳолининг кўпчилиги картошка билан тирикчилик қилишарди. Шу сабабдан 1845 - 1852 йиллари Ирландияда очарчилик бошланиб, миллиондан ортиқ одам нобуд бўлади. Ўша йиллари халок бўлганлар ва очарчилик туфайли қочиб чиқиб кетганлар сабаб, Ирландия аҳолисининг тўртдан бир қисмини йўқотади. Бу очарчилик хабари ўша пайтдаги мусулмонларнинг халифаси султон Абдулмажид I га етиб келганда, у дарҳол ирландияликларга ёрдам кўрсатишга фармон беради. Усманийлар халифаси католик бўлган Ирландия халқини очарчиликдан қутқариш учун, ўн минг фунт стерлинг юборишга қарор қилади. (У ўша пайтдаги ҳисоб билан жуда катта миқдордаги пул бўлган). Бирок халифа бу пулни ҳаммасини юбора олмайди. Чунки Англия қироличаси Виктория минг фунт стерлинг ёрдам қилиб, бошқаларни ундан ошиб кетишини ман қилиб қўяди. Шунда мусулмонлар халифаси Абдулмажид I минг фунт стерлинг нақд пул бериб, қолган тўққиз минг фунт стерлингга - беш кема тўла бугдой жўнатган. Ислом денгиз флотини кемалари марказий шаҳар Истанбулдан Ирландия томон зудлик билан йўлга чиқади. Бирок британияликларнинг флоти мусулмонларнинг кемаларини йўлини тўсиб, Белфаста ва Курт Сити портларига тўхташга рухсат бермайди. Шундан кейин мусулмонларнинг кемалари тун ярмида Ирландиянинг кичик Дроэда портига махфий равишда тўхтайдилар. Уларни

очарчи-ликдан чин дилдан куткарганлар - Усмонийлар халифасига карашли, инсонлар ўртасидаги биродарлик алоқаларини яхши тушунган ва му-каддас Ислом динидаги туркларни флоти эканлигин билган Дроэда фукарolari, хайратда қолишган. Мактабдаги тарих китобларда бизга усмонийларни ёмон халифалик катори ўргатишган. Шу сабабдан мен ҳам якин кунларгача усмонийларга салбий фикрда бўлиб келдим. Аммо узок тарихи бор Усмонийлар давлатини ўрганиш чогида, туркларни, умуман, усмонийлар давлатини турли адолатсизлик ва нохаликларга дуч келганига гувоҳ бўлдим. Дарсликларимизда Усмонийлар халифалигини турк боскинчилари деб ўқитган. Бизга уларни буюк мусулмон давлати бўлганини айтишган эмас. Мавзу аввалида усмонийларни ирландияликларга кўрсатган ёрдамни бекорга келтирмадим. Усмонийлар факат мусулмонлар олдида эмас, бутун инсоният олдида хурматга сазовордир. Агар иш менинг ихтиёримда бўлганида, турк-мусулмонларини Исломга хизмат кўрсатган буюк инсонларидан иборат бир китоб ёзар эдим. Бизнинг ўқув китобларимиз жамиятга баъзан сиёсий томондан зулм қилса, баъзан миллатчилик томондан дахшатли ўзгаришларини қирғизишиб, зулм қилишган. Дарҳақиқат, усмонийлар мусулмонлар учун жуда кўп яхшиликларни амалга оширишган. Ислом ва мусулмонлар учун ўз ҳаётини қурбон қилишган. Қуйида Ислом учун хизмат қилган, баъзи турк қахрамонлари ҳақида қисқача маълумот берамиз. Турк баҳодири Алп Арслон - Манци-кертдаги ҳал қилувчи уруш қахрамони. Мусулмонларни ўша пайтдаги салибчиларнинг энг катта альянсидан (бирлашма, иттифок) қуткарган. Айн-Жалутдаги ҳал қилувчи урушнинг қахрамони ал-Малик Музаффар Қуддус - у мусулмонларни татарлардан ҳалос этган. Шунингдек, ал-Малик ал-Ашраф Салоҳиддин Ҳалил ибн Қалаун - у Шомдаги салибчиларнинг охириги тирагига барҳам берган. Нуриддин Маҳмуд Шаҳид, уни тарихчилар олтинчи адолатли подшоҳ деб айтишган. У қурд баҳодири Салоҳиддин Айюбийни устози бўлган. У - салибчиларга қарши қурашга қорлаб, Ҳиндистонгача бориб, мусулмонларни йўқ қилишни кўзлаган ҳиндларнинг подшолигини яқсон қилган Имомиддин Зангининг ўғли. Шунингдек, Ҳиндистоннинг подшоҳи Аврангзеб Оламгир ҳам турк подшоҳларини бири бўлган. Уни шайх Тантовий адолатли халифаларнинг давомчиси деб эътироф этган. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламни севинчига сазовор бўлган Константинополни мағлуб этган - Муҳаммад Фотихни ҳам эсдан чиқармайлик. Шунингдек, унинг зурриётларидан Расулulloхни қабрини очишдан сақлаб, ҳимоя қилган, Исмоил Сафавийни аскарларини мағлуб этган Селим I ни ҳам айта кетсак. Унинг ўғли Сулаймон ва Фаластинни сионистларга сотмаган Абдулҳамид II, буларнинг бари Исломга ва мусулмонларга хизмат кўрсатган, усмоний турк мусулмонлари бўлган. Юқорида тилга олинган қахрамонларни исмларини ёзадиган бўлсак, ўнлаб эмас, балки юзлаб қатор бўлади. Бу эса динимизнинг қароматидир. Ислом дини миллати, ирки ва тилидан қатъи назар, барча мусулмонларни ҳимоя қилиб қелади. Бу дин факат арабларгагина тегишли деб ўйлаганлар, ўзларининг қички-на қабиласи ёнига борсинда, ўша ерда иккинчи бир қабилани танқид қилиб, шеър тўқиб ўтираверсин. Бу умматга миллатчилик қилгувчи ва унинг тарафдорларига ўрин йўқ. Холбуки, тарих - аввал бўлиб ўтганларни қандай бўлса, шундайлигича баён қилади. Усмонийлар давлати ҳақида сўз юритар эканмиз, уларни ҳато қилмайдиган фаришталар ёки пайгамбарлар бошқарган деб айта олмаемиз. Усмонийлар халифалиги ҳам бошқа мусулмон ўлкалари қаби бир ўлка бўлган. Уларнинг ижобий ҳислатлари билан бирга, салбий жихатлари бўлганлигини ҳам инқор эта олмаемиз. Мисол учун, уларнинг баъзилари сўфийлик йўлига эргашганини айтишимиз мумкин. Расулulloх соллаллоҳу

алайхи васалламнинг суннатида йўқ бидъатлар кенг тарқалган. Бирок бу зид кўринишлар, уни ширк ўлкаси ёки кабрларга сизинган ўлка деб айтишга сабаб бўла олмайди. Бу салбий кўринишларга карамай, усмонийлар давлати - Ислом ва мусулмонларни деярли олти юз йил химоя қилган буюк сунний давлати. Ислом уламоларининг айтиши бўйича, унинг тўрт юз йили тўлиқ Ислом халифалиги сифатида қабул қилинган. Бу ҳақда факих, кучли тарихчи Ибн Аммод Ханбалийнинг «Шазарату-з-заҳаб фи ахбари ман заҳаб» (10 - 198) китобини ўқиш қифоядир. Унда: «Аллоҳ кичик бир уйнинг устунларига Ислом давлатини қодирини қўтарди. Шунингдек, Аллоҳ бошқаларга бермай асраб қўйганини, унга муносиб иймон шаҳарларга эғалик қила оладиганларга тухфа этди. Шунда улар Ислом устунларини турғизишиб, минораларини қўтаришди. Шариатни қадлаб, бир-бирларига пок бўлган суннатга эргашишликни васият қилишди».

Усмонийлар Исломга, пайгамбар(га ва Исо пайгамбарнинг динига эргашган мусулмон биродарларимизга қарши урушган Рим империя-сини яқсон қилган. Уларнинг буюк Ислом империяси уч китъани ўз ичига олган, довлуги ер юзидаги барча денгизларга етган. Улар Андалусдаги мусулмонлар ва яҳудийларни испанларнинг тажовузларидан қутқаришган. Баъзи иккиюзламачи амирлар билан салибчиларнинг яширин иттифоқи туфайли, Андалусни қайтариб олишга муваффақ бўлолмадилар. Улар Шимолий Африкадаги мусулмон ўлкаларини салибчилардан озод қилишган. Усмонийлар даврида Жазоир дунёдаги энг биринчи харбий-денгиз базасига айланган. Усмонийлар ер юзидаги барча мусулмонларга ёрдам қўлини чўзган. Бундан ташқари, халифаликка тегишли бўлмаган ўлкаларга ҳам ёрдамлари теккан. Усмонийлар артиллерияси Эль-Ксар-эль-Кебире урушида Марокаш аскарларига қўмак кўрсатган. Шунингдек, улар тарихда бир неча бор португалия-лик салибчилар ва сафавийларга қарши урушган уммонликларга ёрдам беришган. Ўша жангда уммонликлар билан усмонийлар бир қаторда жанг қилиб ғалаба қозонишган. Шунингдек, усмонийлар артиллерияси Сомали қуроли кучларига қўшилиб, Португалия ва Эфиопия салибчиларига қарши қурашган. Улар Хиндистон ва Индонезияга Португалия салибчиларидан мусулмонлар ва уларни ерларини химоя қилиш учун флотларини юборишган. Усмонийлар нафакат мусулмонлар олдида, балки бошқа халқлар олдида ҳам кадр-қимматга эга. Улар Андалусдаги яҳудийларни таъқиб қилган католиклардан халос этиб, тинч яшашлари учун, Усмонийлар халифалигига тегишли ерларга жойлаштирилган. Улар Францияни испан босқинчиларидан химоя қилишда ўз хиссасини қўшишган. Мавзуимиз аввалида айтиб ўтилганидек, Ирландиядаги очарчиликка қўл қовуштириб қараб туришган эмас. Ирландиянинг машҳур инсонлари султон Абдулмажид I га розилик хатини жўнатишган. У хат ҳозирги кунгача Усмонийлар архивида сақланмоқда. Шунинг учун Ирландиянинг Дроэда шаҳри Усмонийлар халифалигини ярим ой ва юлдузлардан иборат гербини, ўзларининг расмий герби қатори қабул қилишган.

Энди усмонийларнинг вужудга қелиши тарихидан сўз юритамиз. 1281 йили Эртўғрул оламдан ўтгандан сўнг, ҳукмдорликни ўғли Усмон ўз қўлига олади. Римликлар ҳисобидан гарбий тарафини кенгайтира бошлайди. Византияликлар билан бир неча бор урушиб, ғалаба қозонади. Салжукийлар султони уни илик қабул қилиб, унга «Бек» унвонини беради. Шунингдек, унга танга чиқаришликка ҳам руҳсат бериб, унинг исмини жума намозининг хутбасида айтиладиган бўлади. Ундан сўнг Эртўғрул ўғли Усмон Дарданелл бўғозидан ўтиб, римликларнинг Европа тарафидаги ерларини қўшиб олади. Салжукийлар ўлкасини монголлар парчалагандан сўнг, Усмон 1299 йили (х.687 й.) ўз

давлати-ни мустакил деб эълон килади. Мана шу кун Усманийлар империяси расман ташкил этилган сана сифатида, тарих зарварақларига битилди.

Эртўгрул ўгли Усмоннинг афзаллиги - унинг тарихдаги эришган галабалари ёки улугворлигида эмас, балки унинг ижобий хислатлар соҳиби бўлганлигида. Шунингдек, унинг устунлиги - Богдоддаги Аббосийларнинг халифалиги кулаганда тугилгани учун ҳам эмас. Унинг ижобий хислати - сиёсий хислатларидан юкори туради. Хукумат ва сиёсат майдонларида фаолият юритмокчи бўлганларга, унинг хаётини ўрганиб чиқишни тавсия килган бўлар эдим. Бу ерда Ислом тарихчиси, доктор Али Саллабийнинг «Усманийлар давлати: шаклланиш омилла-ри ва таназзул сабаблари» номли китобида Эртўгрул ўгли Усмоннинг шахсияти тўғрисида келтирилган баъзи маълумотларга тўхталамиз:

Калбларни ром этиш: Унинг бу хислати Бурса калъаси кўлга олинганда, уларнинг кўшин бошлиги Эвренос Усмоннинг таъсири билан Исломни қабул килади. Султон Усмон унга «Бей» унвонини беради. Шундан сўнг у Усманийлар давлатининг энг нуфузли саркардаларидан бирига айланади. Византияликларнинг кўпчилик лашкарбошилари унинг тутган йўлидан таъсирланишиб, усманийларнинг сафи ўшалар билан тўла бошлайди. Шунингдек, Исломий жамоатлар ҳам, унинг байроги остида бирлаша бошлайди. Улардан:

«Гузьярум» жамоати (Римни мағлуб этувчи). Бу жамоат аъзолари Аббосийлар давридаёқ Рим чегарасида яшаб, уларни мусулмонларга қарши ҳужумларини қайтариб туришган.

«Ал-Ихян» жамоати (ога-инилар) - улар яхшиликни ҳуш кўрувчилар. Улар мусулмонларга кўлидан келганча, ёрдам кўрсатишган. Кон керак бўлса кон, жон керак бўлса жон берган. Усманий аскарларига йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилишган. Шунингдек, масжид, турар-жой ва меҳмонхоналарни бунёд этишган.

«Хожиятрум» жамоати (Римдаги хожилар). Улар орасида шариат илмини яхши билганлар бўлган. Уларнинг максоди мусулмонларга ёр-дам бериш, айниқса, Аллох йўлида қурашганларга.

Унинг одиллиги: Усманийлар тарихи ёзилган турк манбаларида Эртўгрул византияликлардан Қоражахисорни хижрийнинг 684 йили кўлга киритгандан сўнг, ўгли Усмонни у шаҳарга қози этиб тайинлайди. Қуналарнинг бирида Усмон турк мусулмони билан византиялик христиан ўртасида тергов ўтқазиб, византиялик христианнинг фойдасига ҳал килади. Византиялик хайратланиб, Усмондан сўрайди: «Мен сенинг динингда бўлмасам ҳам, нега менинг фойдамга ҳал қилдинг?» Усмон унга: «Қандай қилиб сенинг фойдангага ҳал қилмайин, биз қулчилик қилган Роббимиз бизга буюрадики: «Албатта, Аллох сизларга омонатларни ўз аҳлига қайтаришни ва агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм қилишни амр килади» (Нисо сураси 58-оят). Бу одилонани қарордан у қиши ва унинг жамоаси Исломни қабул килади. Усмон қўл остидагиларга ва енгиб олган шаҳардагиларга адолатли бўлган. У ҳеч қачон енгилганларга зулм қилган эмас.

Садокат: У ҳар доим ваъдага вафо қилган. Қалъани олишга келганда усманийлар аскарига Византия қалъасининг бошлиги кўприк орқали ҳеч қим қалъага қирмай турса, қалъани бўшатиб берамиз деб шарт қўйганда, Усмон шартни қабул қилиб, аскарлари билан қирмай, ташқарида туришган. Ундан кейин келганлар ҳам, бу шартни бажарган. Фақат Аллох учун жанг қилиш: Унинг галабалари иқтисодий, сиёсий ёки бошқа мақсадни кўзлаб эмас, балки Аллохни қақиригига даъват қилиб, уни тарғиб этиш бўлган. Шунинг учун тарихчи Аҳмад Рафиқ уни қуйидагича сифатлайди: «Усмон жуда ҳам диндор эди.

Исломни таркатиш ва унинг коидаларини халкларга ўргатишни мукаддас бурч деб билган. Шунингдек, у сиёсий фикри теран инсон эди. Султон Усманийлар давлатини ҳукуматни яхши кўргани учун эмас, балки Исломни тарғиб қилиш учун ташкил қилган». Усманийлар қўллаган усуллар: Амир Усмоннинг ҳаёти Аллохнинг линини тарғиб қилиш бўлган. Диний олимлар доимо унинг ёнида бўлиб, давлатни бошқаришда ва шариат ҳукмларини жорий этишда ҳамроҳ бўлишган. Тарих бизга султон Усмоннинг ўлим тўшагида ётганда ўгли Ўрхонга қилган васиятини баён қилади. У васиятда ундан кейинги усманийлар қўлланган шариат йўл-йўриклари ўрин олган. Усмон васиятида шундай дейди:

«Эй ўғлим, оламлар Робби буюрмаган ишлар билан машғул бўлма. Агарда ҳукуматда кийин бир масалага дуч келсанг, дархол олимлар жамоасига отлан...

Эй ўғлим! Сени ҳурмат қилганларни кадрла. Аскарларингга ҳимматли бўл. Шайтон сени аскарларинг ва бойлигинг билан йўлдан оздирмасин. Шариат одамларидан узоқлашишдан эҳтиёт бўл!

Эй ўғлим, мақсадимиз оламлар Роббининг розилиги эканини яхши биласан. Аллох йўлида курашиш билан динимиз нури ҳамма жойда тарқалади. Фақат Аллох рози бўладиган нарсалардан сўзла!

Эй ўғлим, биз ҳукумат учун ёки одамларни устидан ҳукмронлик қилиш учун жанг қиладиганлардан эмасмиз. Биз Ислом билан яшаб, у билан ўламиз. Сенга керак бўладиганлар мана шулардир!»

«Усманийлар давлатининг сиёсий тарихи» китобида васиятнинг бошқача шакли ҳам мавжуд: «Эй ўғлим, ёдингда тут, Исломни таркатиш, одамларни унга даъват қилиш мусулмонларнинг номусини, мол-мулкни саклаш сенинг зиммангда, Аллох уларни сендан сўрайди».

«Усманийлар фожиаси» китобида Усмонни ўгли Ўрхонга айтган васиятининг бошқа тури ҳам бор бўлиб, унда: «Эй ўғлим, мен Роббимнинг олдида кетмоқдаман. Сен қўл остингдагиларга адолатли бўлиб, Аллох йўлида курашиб, Ислом динини тарғиб қилсанг, сен билан фахрланаман... Эй ўғлим, уламолар билан бирга бўлишлигингни васият қиламан. Уларга яхши эътибор қаратиб, ҳурмат қил ва уларга маслаҳат сол. Холбуки, улар сени яхшиликка бошлайдилар. Аллох рози бўлмаган ишни қилишдан йироқ бўл. Агар қарор қабул қилишда иккилансанг, шариат олимларига кенгаш сол, улар сенга тўғри йўлни кўрсатишади... Эй ўғлим, билиб қўйгин, бу дунёдаги йўлимиз фақат Аллохнинг йўли. Ёлғиз мақсадимиз - Аллохнинг динига даъват этиш. Биз шон-шухрат ва дунё ҳаётини изловчилардан эмасмиз».

Қўриб турганимиздек, Усмоннинг қаҳрамон бўлиб етишиши, отаси Эртўғрул баҳодирнинг тарбияси натижасидандир. Мухаммад Фотих Мурод II нинг тарбияси туфайли, буюкликка эришган эди. Буюк инсонлар етишиб чиқиши учун, отанинг ўрни катта. Шунинг учун усманий султонлари фарзандларига ёшлигида яхши тарбия беришган.

Бирок бу борада оналарнинг ўрни қандай?

Солиха аёлларнинг ўрни қандай?

Нима учун буюк инсонларни тарбиялашда оталарга нисбатан, оналарни ўрни юкори дейилади?

Кейинги саҳифаларда тарих оқими ўзгартирган, Ислом умматининг мухтарама аёллари ҳақида сўз юритамиз.

Ат-Туробийнинг
"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан